



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д., профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Ўразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

|  |     |
|--|-----|
| <b>Анвар Нематович Холиқулов</b><br>"ZIOL BAXT" меҳмонхонаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари                                   | 78  |
| <b>Ibragim Xudayarovich Nimatov</b><br>Zamonaviy turizmда motivlashtirishga ta'sir etuvchi omillar tahlili   | 82  |
| <b>Sarvinoz Ashurova</b><br>The importance of Guest houses in the tourism industry of Uzbekistan   | 87  |
| <b>Собир Худойбердиевич Махмудов</b><br>Тарихий-маданий туризм салоҳияти ва уни баҳолаш  | 92  |
| <b>Шахноза Шомуротовна Тошпулатова</b><br>Навоий вилоятининг тарихий - архитектура ёдгорликларидан туризм соҳасида фойдаланиш йўллари                            | 97  |
| <b>Gulmira Rabbonovna Tursunova, Diyora Istamovna Ochilova</b><br>O'zbekistonda gastronomik turizmni rivojlantirishning italiya tajribasi                        | 100 |
| <b>Mahliyo Yaxshiboy qizi Umarova</b><br>O'zbekistonning mavjud turizm salohiyatidan kengroq foydalanish yo'llari hamda xususiyatlari                            | 104 |
| <b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b><br>Музей туризмни ривожлантириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омили  | 107 |
| <b>Фарух Тохирович Шукуров</b><br>Туризм соҳасидаги тадқиқотларнинг эпистемологияси ва билимларнинг манбалари  | 112 |
| <b>Akmal Odilovich Odilov</b><br>Turizm sohasida marketing tadqiqotlarining  | 115 |
| <b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>  |     |
| <b>Абдухолик Эгамович Тангиров</b><br>Инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналарни бошқариш ва уни такомиллаштириш   | 118 |
| <b>Хасан Абдусаидович Рахимов</b><br>Туризм ва меҳмонхона соҳасида кадрлар менежментининг мазмуни, турлари ва улардан самарадорликни оширишда фойдаланиш йўллари | 121 |
| <b>Гўзалхон Акром қизи Абдурашидова</b><br>Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизмларининг эволюцияси   | 127 |
| <b>Лариса Алижоновна Мусабаева, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов</b><br>Истеъмол бозорини ривожлантиришнинг дастурий механизмлари самарадорлигини ошириш йўллари     | 132 |
| <b>ИНВЕСТИЦИЯ</b>  |     |
| <b>Шахноза Сайдуллаевна Музрапова</b><br>Инвестицион мулк ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари  | 137 |
| <b>Обид Мамаюнович Пардаев</b><br>Хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг “ЗХ+ФКИ” моделидан фойдаланишнинг стратегик йўналишлари                | 142 |
| <b>Saida Azatovna Sheraliyeva</b><br>Erkin iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etish  | 147 |
|  |     |

## МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

Абдухолик Эгамович Тангиров – СамИСИ доценти, и.ф.н.

### ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация:** мақолада корхоналарни бошқаришда раҳбар давлат ва бозор механизмларини ҳисобга олган ҳолда бошқаришни ташкил этиши масаласи ва бошқарув функциялари ўрганилган ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** бошқариш, механизм, меъёр, меъёрий-ҳуқуқий асос, режалаштириш, ташкиллаштириш, меъёрлаштириш, тартибга солиш, назорат, мувофиқлаштириш.

**Кириш.** Корхоналар тобора йириклашган сари уларнинг иқтисодий бошқарув муносабатларида ҳам мураккабликлар юзага келади. Бу эса ўз навбатида махсус бошқарув аппаратини бунёд қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Корхона бошқарувини ташкил этишда ишлаб чиқариш тизимининг кичик бўғинлари яхлитлигини таъминлаш ва ташкилий қисмлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш тақозо этилади. Шунингдек, корхонадаги мураккаб ва кўп қиррали ишлаб чиқариш механизмининг аниқ шароитларга мослаштириб туриш талаб қилинади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:** Ўрганилган адабиётларда корхона бошқарувини ташкил этиш, стратегияни танлаш ва менежментини ривожлантириш, инвестицион фаолиятни бошқариш, бозор ислохотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона бошқарув жараёнларини илмий-назарий асосларини яратиш, корхонани бошқаришни ташкил этишнинг илмий методологик жиҳатлари ҳамда корхона бошқарувини ташкил этишни такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган [1,2,3,4,5,6,7].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, қиёсий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш, ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхона, айниқса акциядорлик жамияти бошқарувга муҳтож бўлади, чунки ягона иқтисодий организмнинг турли бўғинлари фаолиятини мувофиқлаштирамасдан туриб кўзланаётган натижаларга эришиб бўлмайди. “Шу сабабли ишлаб чиқаришни турли мулкчилик шаклларида ривожлантириш ва уни бошқарув вазифалари билан мослаштириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади”<sup>1</sup>.


Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни бошқаришда раҳбар шахс икки механизм фаолиятини ҳисобга олиб бошқаришни ташкил этиши зарур. Биринчи давлат механизми бўлса, иккинчиси бозор механизми (1-чизма). Давлат механизми корхонанинг иқтисодий фаолиятини тўғри йўлга солиш, назорат қилиб бориш ва турли имкониятларни яратиш орқали ўз таъсирини кўрсатади.

Корхоналарни давлат механизми асосида бошқарилганда меъёрий-ҳуқуқий асосга таянилади. Аммо меъёрий-ҳуқуқий база бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб такомиллаштирилмоғи зарур.

Акциядорлик жамиятлари тажрибаси кўрсатдики, уларнинг капитлида давлат улушини кўпайтириш, турли сабаблар билан устав капитали ва мулк шакли ўзгартирилиши, турли шаклдаги ташқи бошқарув жорий этилиши акциядорлар моддий ва манавий манфатдорлигининг кескин сусайишига олиб келиши билан бирга амалда

<sup>1</sup> Шерматов Ф. Акциядорлик жамиятларида бошқарувни ташкил қилиш // Фан номзодлиги илмий даражасини олиш учун ёзилган диссер. автореферати: -Т.: ТДТУ, 2004. 7 бет.

корпоратив бошқарув ривожланиши ва самарадорлигининг ошишига ҳамда акциядорлик жамиятларининг барқарор ривожланишига йўл бермади.



### 1-чизма. Корхонани икки механизмни ҳисобга олиб бошқарилишини ташкил этиш<sup>1</sup>

Бозор иқтисодиётида корхоналарни бошқаришда эътиборга олинадиган яна бир механизм – бу бозор механизми (1-чизма). Бозор механизми бозор субъектларини ўз ўзидан тартибга солидиган механизм бўлиб, тартибга солиш қонун-қоидалари бозор муҳитидаги талаб ва таклиф қонуниятларига ҳамда баҳо ва пул муносабатлари қонуниятларига бўйсунди.

Бу қонуниятлар ўз-ўзидан ишга тушадиган бозор муҳитини ташкил этади. Бозор механизмининг бирон бир субъект тартибга сола олмайди. У автоматик тарздаги хатти-ҳаракатлар асосида иқтисодий муносабатларни шакллантириб боради ва жамиятда товар айрбошлаш муаммолари ҳам ўз ўзидан ҳал этилиб борилади<sup>2</sup>.

Бугунги кунда бозор механизмининг ўзи бозор муҳитида фаолият кўрсатаётган корхоналарни тартибга сола олмайди. Бундай ҳулоса таниқли иқтисодчи Дж. Кейнс томонидан берилган бўлиб, унинг фикрига кўра давлат механизми фаолияти асосида бозор механизми фаолиятига ёрдам бериш керак.

Бирок, ҳар қандай ҳолатда ҳам корхона раҳбари ўз бошқарувини ташкил этар экан, қуйидагиларга жиддий эътибор бериш керак:

Режалаштириш – маълум бир ишни аввалдан қандай бажарилишини, тартибининг белгилаб олиш. Корхоналар бошқарувини ташкил этиш режалаштиришдан бошланар экан, унинг фаолиятини ташкил этишга кўмак беради. Режалаштиришнинг умумийлик хусусияти шундаки, бунда ҳар бир бошқарув ходими ўзининг шахсий ишини режалаштиради, ўз иш жойидаги фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқади, режаларни қандай бажараётганини назорат қилишни уюштиради.

Ташкиллаштириш – объект ёки тизимни яратиш ёки такомиллаштириш. “Режалаштиришдан кейин амалга ошириладиган жараён бўлиб, агар бу жараён содир этилмаса, режадаги ишлар амалиётга тадбиқ этилмай қолиб кетади”<sup>3</sup>. Ташкиллаштириш орқали бошқарув объекти доирасида барча бошқарилувчи ва бошқарувчи жараёнларнинг уюшқоқлиги таъминланади.


Меъёрлаштириш – миқдорий ва сифат бўйича кўрсаткичларни ишлаб чиқиш жараёни бўлиб, бу – корхона бошқаруви ва унинг таркибидаги ишлаб чиқаришни жорий этишда жуда муҳим рол ўйнайди. Бу функция ишлаб чиқариш бўйича олинган топшириқларни бажарилишида тартибловчи хусусиятни ўзида касб этади. Аксарият илмий адабиётларда меъёрлаштириш бошқаришни ташкил этишда алоҳида функция

<sup>1</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<sup>2</sup> Изох: <sup>1</sup>Классик иқтисодиёт намояндалари Адам Смит ва Дэвид Рикардоларнинг таълимотида соф бозор иқтисодиёти “қўринмас қўл” асосида бошқарилиши кайд этилган.

<sup>3</sup> Бовыкин В.И. Новый менеджмент: (управление предприятиями на уровне высших стандартов: теория и практика эффективного управления). –М.: Экономика, 2009. 66 стр.

сифатида ҳисобга олинмайди. А.К.Семенов ва В.И.Набоков<sup>1</sup> каби иқтисодчилар эса бошқарув жараёнини 2-чизмада келтирилганидек қайд этадилар.



**2-чизма. Бошқарув жараёнини модернизацион ташкил этиш чизмаси<sup>2</sup>**

Бироқ, сўнгги давр менежментида меъёрлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқдаки, бу ўз навбатида корхонада бошқаришни ташкил этиш масалаларида бир қатор муаммолар ечимини топишга кўлайлик яратмоқда. Бошқача айтганда бошқарув жараёнидаги модернизацион нуқтаи назардан қарашни тақазо этади.

Иқтисодийни модернизациялаштириш шароитида корхоналар бошқарувини ташкил этишда меъёрлаштириш ўзига хос функциявий жараённи бажарадики, бунда ишлаб чиқаришдаги узлуксизликни бир маромда таъминлаш имконияти юзага келади. Шу билан бирга янгича ёндашилган чора-тадбирларни, яъни стандартлаштиришдаги меъёрий кўрсатмаларга риоя қилишни тақазо этади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнидаги сифат кўрсаткичларини ошишига олиб келади.

Мувофиқлаштириш – бошқарувни ташкил этишдаги барча жараёнларни бирлаштириш демакдир. Бунда ишлаб чиқариш жараёнидаги узилишларни олдини олиш ва уларни узлуксизликни таъминлаш имконияти яратилади. Агар “режалаштириш бошқаришнинг стратегияси ҳисобланса, мувофиқлаштириш бошқаришнинг тактик масалаларини ҳал қилади”<sup>32</sup>.

Тартибга солиш – ишлаб чиқариш жараёнида режалаштирилган натижаларга мос келмайдиган вазиятларда оператив чоралар кўриш демакдир.

Назорат – ишлаб чиқариш жараёнининг барча ҳолатлари устидан назоратни ўрнатишдир. Қабул қилинган қарорларни амалда оширилиши назорат қилиб борилади. Бошқарувчи корхонанинг ички муҳитидаги вазиятларни ўрганган ҳолда назоратни ўрнатади. Назорат қилиш асосида нотўғри ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиб уни олдини олиш зарурияти туғилади.

Хулоса шуки бошқарув аниқ фан бўлмаганидек, корхонада бошқаришни ташкил этишда ҳам аниқ кўрсатмалар бериш жуда қийин. Аммо юқоридаги фикрларимиз асосидан қайд этиш мумкинки, бошқаришни ташкил этиш жараёни муайян бошқарув функциялари асосида амалга ошириб борилади. Корхонага ички ва ташқи ўзгарувчи унсурларни у ёки бу тарздаги таъсир кўлами бошқарувчилар орқали тартибга солиб борилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни бошқаришда раҳбар шахс давлат ва бозор механизмларини ҳисобга олиб бошқаришни ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Бошқаришни бозор механизмига мувофиқлаштириш мақсадида акциядорлик

<sup>1</sup> Бовыкин В.И. Новый менеджмент: (управление предприятиями на уровне высших стандартов: теория и практика эффективного управления). –М.: Экономика, 2009. 66 стр.

<sup>2</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<sup>3</sup> Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2011. 87 бет.

жамиятлар иқтисодий ва молиявий фаолиятига давлат бошқарув органлари аралашувни бутунлай чеклаш, устав капиталидаги давлат улушини давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар тўлиқ эркин фаолият юритишни таъминловчи иқтисодий механизмлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш, акциядорлик жамиятлари бошқарувини сифат жиҳатдан тубда такомиллаштиришни амалга оширишни таклиф қиламиз.

Бошқарув жараёнини модернизацион ташкил этиш чизмаси асосида корхоналар бошқарувини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Меъёрлаштиришни бошқарувининг асосий функцияларидан бир сифатида қаралишини ва ўрганилишини таклиф қиламиз.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азларова Д.А. Ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2020, 576.
2. Бовыкин В.И. Новый менеджмент: (управление предприятиями на уровне высших стандартов: теория и практика эффективного управления). –М.: Экономика, 2009. 66 стр.
3. Семенов А.К., Набоков В.И. Основы менеджмента. Учебник. –М.: «Дашков и К°», 2014. 771 бет
4. Суёнов Д., Хошимов Э. А. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик жиҳатлари “Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил 2/2018 (№ 00034) [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
5. Tangirov A. E. Factors to increase competitiveness of desert pasture livestock British View ISSN 2041-3963 Volume 7 Issue 1 2022 DOI 10.5281/zenodo.6777984 Universal impact factor 8.528 SJIF 2022: 4.629. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6766959>
6. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2011. 987 бет.
7. Шерматов Ф. Акциядорлик жамиятларида бошқарувни ташкил қилиш // Фан номзодлиги илмий даражасини олиш учун ёзилган диссер. автореферати: -Т.: ТДТУ, 2004. 27 бет.

|   |  |
|---|--|
| <p><b>А.Тангиров</b></p> <p><b>Управление предприятиями в условиях инновационной экономики и его совершенствование</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье рассматриваются управленческие функции руководителя в управлении предприятиями с учетом государственных и рыночных механизмов, а также вносятся предложения по их совершенствованию.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> управление, механизм, норма, нормативная база, планирование, организация, нормирование, регулирование, контроль, координация.</p> | <p><b>A.Tangirov</b></p> <p><b>Management of enterprises in the conditions of the innovative economy and its improvement</b></p> <p><b>Abstract:</b> the article examines the managerial functions of a manager in enterprise management, taking into account state and market mechanisms, and also makes proposals for their improvement.</p> <p><b>Keywords:</b> management, mechanism, norm, regulatory framework, planning, organization, regulation, control, coordination.</p> |
|---|--|

**Хасан Абдусаидович Рахимов** – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” доценти, PhD.

### ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА СОҲАСИДА КАДРЛАР МЕНЕЖМЕНТИНИНГ МАЗМУНИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШДА Фойдаланиш йўллари

|   |
|---|
| <p><b>Аннотация:</b> мақолада туризм ва меҳмонхона соҳасида кадрлар менежментининг мазмуни, турлари ва улардан самарадорликни оширишда фойдаланиш йўллари, ҳамда туризм соҳасида бошқарув қарори, меҳмонхона хўжалигида бошқарув қарори тушунчаларига таърифлар берилган.</p> <p><b>Калит сузлар:</b> туризм, меҳмонхона, кадрлар менежменти, туризм соҳасида бошқарув қарори, меҳмонхона хўжалигида бошқарув қарори.</p> |
|---|

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.